# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ*

1-бетда

риш кунига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдорга тўғри келганда ва бошқа ҳолларда шубҳали деб топилади.

**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

## ...АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН

**Молия вазирлиги ва Департаментнинг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 3 ноябрда 2035-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланди.** Қуйидаги ҳолатларда операция шубҳали деб топилиши мумкин: ҳисобга олинмаган молия-хўжалик операциялар мавжуд бўлганда ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган муддатлардан олдин йўқ қилинганда; мижознинг хизмат кўрсатишнинг фойдали-



роқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек, мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф этилиши ва бошқа ҳолларда.

**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

## ...СУҒУРТАЛОВЧИЛАР ВА СУҒУРТА ВОСИТАЧИЛАРИ УЧУН

**Молия вазирлиги ва Департаментнинг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 3 ноябрда 2036-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланди.** Қуйидаги операциялар шубҳали деб топилиши мумкин: мижознинг бекор қилинган битим бўйича олиши лозим бўлган суммаларни учинчи шахсларга, шунингдек, норезидент банк ҳисобига қайтаришни таклиф этиши; суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, фойда олувчининг алмаштирилиши муносабати билан суғурта шартномасига тез-тез ўзгартишларнинг киритилиши ва бошқа операциялар.



**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

## ...ЛОТЕРЕЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

**Молия вазирлиги ва Департаментнинг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 5 ноябрда 2037-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидалари тасдиқланди.** Қуйидаги ҳолатларда операция шубҳали деб топилиши мумкин: бир вақтнинг ўзида ташкилот томондан йирик пул ютуқларини (ЭКИҲнинг 1 500 бараваридан юқори) икки ёки ундан ортиқ ютуқли билетлар эгаларига тўлашда (беришда); мижоз ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа мавжуд бўлса; ютуқни олишда қалбаки лотерея билет тақдим этилаётганлигига шубҳа уйғонса.

**2009 йил 15 ноябрдан кучга кирди.**

## 5 ЙИЛ САҚЛАНАДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 3 ноябрда 951-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага** *(2000 йил 26 июлда 951-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* киритилган **ўзгартишларга мувофиқ,** банкларнинг кредит бериш тўғрисида қарздорлар билан тузилган кредит шартномалари, факторинг операциялари бўйича ҳужжатлар, лизинг операциялари билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва бошқа айрим ҳужжатларни сақлаш муддати 3 йилдан 5 йилга қадар узайтирилди. Шунингдек бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

## РЎЙХАТ ТЎЛДИРИЛДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 3 ноябрда 1948-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан 2009 йил 27 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1948-сон йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чпо этилади).* Ўзгартишларга мувофиқ, юридик шахслар томонидан банкларда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати тўлдирилди. Хусусан, тадбиркорлик субъекти бўлган ҳамда бўлмаган резидент юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, шунингдек норезидент юридик шахслар ушбу мақсадларда банкка қўшимча равишда улар номидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари керак. Улар томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилганидан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан шунингдек таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари ҳам тақдим этилади. Ҳужжатларга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

* * *

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 3 ноябрда 534-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан 1998 йил 16 ноябрдаги 534-сон Ўзбекистон Республикаси банкларидаги депозитлар тўғрисида низомга ўзгартишлар киритилди.** Энди омонат (депозит) сертификатлари фақат номи ёзилган бўлиши керак. Ҳужжатга шунингдек бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

**2009 йил 13 ноябрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 31 октябрдан 6 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 45-сони асосида тайёрланди.***

**Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

*Юридик маслаҳат*

# ИЖАРАГА БЕРУВЧИ НОҲАҚ

***Машинасозлик корхонамиз ижарачи бўлиб, ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчининг турли хизматларидан, шу жумладан электр таъминотидан фойдаланади.***

***Ўртамизда келишмовчилик юзага келди: ижарага берувчи электр энергияси учун ҳисоб-китобларда белгиланган тарифга қўшимча ҳақ қўймоқда. Унинг ҳаракатлари қонунийми?***

**Директор.**

– Сизнинг ҳолатингизда «қўшимча ҳақ» деганда нима англашилишини тушуниш муҳим.

Одатда ижара шартномасида ижара тўловлари билан бир қаторда ижарачилар ижарага берувчиларга ўзлари истеъмол қилган электр, иссиқлик қуввати, газ, сув ва ҳоказолар учун харажатларни тўлашлари тўғрисида шарт назарда тутилади. Ушбу ресурсларга ҳақ тўлаш таъминотчи ташкилотлар томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Чунончи, агар 1 кВт истеъмол қилинган электр энергияси учун тариф 64 сўм миқдорида белгиланган бўлса, ижарага берувчи ижарачилардан электр учун 70, 80 сўмни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Эътиборни жалб этиш зарур бўлган бошқа бир муҳим жиҳат – электр энергиясига доир тарифларга электр таъминоти ташкилотлари томонидан белгиланадиган тегишли қўшимча (устама) ҳақлар. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг (*ВМнинг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган*) 131 ва 141-бандларига мувофиқ, реактив энергия ва қувват ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) қилинади. Чунончи, устамалар истеъмолчи таъминланадиган электр тармоғининг катта юкламали соатларида истеъмолчи томонидан шартномавий миқдордан ортиқча реактив энергия ва қувват истеъмол қилинганда ва ягона электр энергетика тизимининг кичик юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилинганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўлланади. Шу сабабли, агар юқорида кўрсатилган Қоидаларга мувофиқ сизнинг ижарага берувчингизга электр таъминоти корхонаси электр энергиясига доир тарифга устамалар белгилаган бўлса, сиз уларнинг суммасини электр энергиясининг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажм учун ҳақ билан бирга тўлашга мажбурсиз. Бундай ҳолларда ижарага берувчининг электр энергиясини устама билан бирга тўлашингиз тўғрисидаги талаби қонунийдир.

Устамаларнинг бошқа турлари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Агар ижарага берувчи электр энергиясига қўшимча ҳақларни мустақил равишда белгиласа, унинг ҳаракатлари ноқонунийдир, юзага келган вазиятни ҳал этиш учун судга мурожаат қила оласиз. Шунингдек сиз ижара шартномасига тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда ижарага берувчи билан битимга кўра электр таъминоти ташкилоти билан электр энергияси учун мустақил равишда ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

***Артём АДЕЕВ,***
***«Norma» МЧЖ***
***эксперт-юристи.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 10 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1394,50 | 1 Малайзия ринггити | 445,71 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2515,27 | 1 Польша злотийси | 530,46 |
| 1 Дания кронаси | 302,19 | 1 СДР | 2401,07 |
| 1 БАА дирҳами | 409,91 | 1 Туркия лираси | 1016,62 |
| 1 АҚШ доллари | 1505,61 | 1 Швейцария франки | 1487,02 |
| 1 Миср фунти | 275,55 | 1 ЕВРО | 2248,33 |
| 1 Исландия кронаси | 12,11 | 10 Жанубий Корея вони | 12,99 |
| 1 Канада доллари | 1409,75 | 10 Япония иенаси | 167,20 |
| 1 Хитой юани | 220,55 | 1 Россия рубли | 51,89 |
| | | 1 Украина гривнаси | 187,88 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 12.11.2009 | 1 | 0,8029 | 1 | 1,2034 | 1 | 0,028 |
| Арманистон | 12.11.2009 | 1 | 388,00 | 1 | 579,67 | 1 | 13,50 |
| Беларусь | 13.11.2009 | 1 | 2712,00 | 1 | 4062,03 | 1 | 94,59 |
| Грузия | 12.11.2009 | 1 | 1,6834 | 1 | 2,5308 | 1 | 5,8654 |
| Қозоғистон | 13.11.2009 | 1 | 150,43 | 1 | 225,15 | 1 | 5,24 |
| Қирғизистон | 7.11.2009 | 1 | 43,7196 | 1 | 64,7859 | 1 | 1,505 |
| Латвия | 13.11.2009 | 1 | 0,469 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0163 |
| Литва | 13.11.2009 | 1 | 2,3074 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,0417 |
| Молдова | 12.11.2009 | 1 | 11,0626 | 1 | 16,627 | 1 | 0,386 |
| Тожикистон | 12.11.2009 | 1 | 4,344 | 1 | 6,4257 | 10 | 1,4935 |
| Ўзбекистон | 10.11.2009 | 1 | 1505,61 | 1 | 2248,33 | 1 | 51,89 |
| Украина | 12.11.2009 | 100 | 799,18 | 100 | 1201,727 | 10 | 2,7845 |
| Эстония | 12.11.2009 | 1 | 10,4751 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,364261 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## УШБУ СОНДА:

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Ижарага берувчи ноҳақ
– Валюталар курси
***1-2-бетлар***
• **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Якка тартибдаги фаолият эмас ***3-бет***
• **НУҚТАИ НАЗАР**
– Ҳамманинг ўз усули бор ***4-бет***
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР АВ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
– ЎзР МВ, МББ, ДСҚнинг «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МВ, ИВ, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 3 октябрдан 9 октябргача бўлган маълумот.** ***5-12-бетлар***
• **POST SCRIPTUM**
– «Касса» солномаси
– Ўтмишга қайтиб: фарзандсизлик учун солиқ тўланади...ми? ***13-бет***
• **top** ***14-16-бетлар***

**Таҳририятимиз газетхонлардан тамаки маҳсулотларини сотиш амалиёти билан боғлиқ бир қатор саволлар олди. Уларга «ЎзБАТ А.Ж.» ҚК ОАЖ корпоратив ва юридик бўлимининг мутахассислари ва «Norma» МЧЖ эксперт-юристи Артём Отставнов жавоб беради.**



?

***Яқинда пенсияга чиқдим. Бироқ ишсиз ўтиришни хоҳламайман. Бошланишига уйимда ҳар хил майда-чуйдалар: сақич, чой, яхна ичимликлар, сигареталар, шу жумладан доналаб сигарета сотиш учун кичик дўконча очишни режалаштиряпман.***

А.Сергеев.
Самарқанд шаҳри.

?

***Яқинда фирмамиз ёпилиб, ишсиз қолдим. Бундай вазиятга учинчи бор тушишим боис бошқаларга қарам бўлмасликни хоҳлардим. Бошланишига сигареталар сотиш (дўконсиз) билан шуғулланмоқчиман, чунки, фикримча, у бошлаш учун катта маблағларни талаб қилмайди. Бироқ барча ишни қонун бўйича қилмоқчиман. Шу сабабли менинг саволларимга батафсил жавоб берсангиз.***

Н.Қосимова.
Тошкент шаҳри.

# ЯККА ТАРТИБДАГИ ФАОЛИЯТ ЭМАС

**? Якка тартибдаги тадбиркор тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчидан қандай шартларда олиши мумкин?**

– Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга (*ИВ, МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 26 июлда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган*) мувофиқ республикада ишлаб чиқарилган ҳамда четдан олиб келинган **тамаки маҳсулотлари фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига (залларига) эга бўлган юридик шахсларга реализация қилиниши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркорлар тамаки маҳсулотларини сотиб олиш ёки реализация қилишга ҳақли эмаслар.**

Бундан ташқари, Президентнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонига кўра (*1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон, бундан кейин – Фармон*) етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизи олдиндан тўланмаса, маҳсулот жўнатиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тақиқланади. Бу эса сигарета маҳсулотининг олди-сотди шартномасида Фармонда белгиланган миқдордан кам бўлмаган олдиндан тўлаш тўғрисида мажбурий шартнинг мавжудлигини англатади. Бунинг устига акцизли маҳсулот учун тўловларни, унга сигареталар ҳам киради, фақат банкда **юридик шахс** томонидан очиладиган махсус ҳисобрақам воситасида ва фақат пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш керак.

**? Бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур?**

– Юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларининг талабларидан сигарета маҳсулотини харид қилиш учун **юридик шахсларнинг** ишлаб чиқарувчи ёки улгуржи сотувчи – ишлаб чиқарувчининг дистрибьютори билан шартнома тузиши шартлиги келиб чиқади. Уни тузиш учун контрагент рўйхатдан ўтказилган жойидаги давлат солиқ хизмати органининг унда назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги гувоҳномаси нусхасини тақдим этиши лозим. Одатда қонун талабларига қатъиян амал қилиб фаолият юритадиган корхоналар бўлгуси харидордан қўшимча ҳужжатлар, масалан, харидорнинг ваколатли банкидан унга махсус ҳисобрақам очилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни, юридик шахс – харидор директори паспортининг нусхасини сўрайдилар.

Юридик шахс товар учун ҳақни нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича банк ўтказмаси билан тўлайди.

**? Якка тартибдаги тадбиркорга тамаки маҳсулоти билан савдога рухсатнома қандай расмийлаштирилиши керак?**

– Якка тартибдаги тадбиркорга акцизли товарни (сигареталарни) якка тартибда реализация қилишга рухсат берилмайди. Бунинг учун фирмани рўйхатдан ўтказиш, банкда махсус ҳисобрақам очиш, турғун савдо шохобчаси учун мақбул жой топиш ва унда касса аппаратини ўрнатиш зарур. Ана шу шартларнинг барчасига риоя қилингандагина қонунга риоя қилган ҳолда сигареталар харид қилиш ва улар реализациясини амалга ошириш мумкин.

Сигареталар билан савдо қилишга рухсатномага келсак, Президентнинг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» қарорига (*2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон*) биноан 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб юридик шахслар (шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат бериш гувоҳномасини олиш талаби (бундан алкоголли ичимликлар ҳамда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар мустасно) бекор қилинган. Ҳозирда ҳокимликлар сигарета маҳсулотининг чакана савдосини амалга ошириш учун ҳеч қандай рухсат бериш ҳужжатларини бермайди.

**? Сигареталарни доналаб сотиш мумкинми?**

– Қонун ҳужжатларида сигаретани доналаб сотиш тўғридан-тўғри тақиқланган эмас. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига (*ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова*) кўра тамаки маҳсулотларини акциз маркаларисиз ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш тақиқланган. Акциз маркаси эса сигаретага эмас, балки уларнинг қутисига ёпиштирилиши сабабли, сигареталарни доналаб сотиш чакана савдо қоидаларини бузиш деб қаралади.

**? Мен товарни бевосита тамаки фабрикасидан сотиб ола оламанми?**

– Сигареталарнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси «ЎзБАТ А.Ж.» ҚК ОАЖдан сотиб олинишига келсак, компаниянинг масъул мансабдор шахсларининг тушунтиришича, Самарқанд сигарета фабрикасида ишлаб чиқариладиган сигареталар ташкил этилган дистрибьютерлар тармоғи орқали тарқатилади. Тошкентдаги (+99871) 120-55-55 телефонига қўнғироқ қилиб, уларнинг манзиллари ва телефонларини билиш мумкин.

***Газетхонларнинг саволларига «ЎзБАТ А.Ж.» ҚК ОАЖ корпоратив ва юридик бўлимининг мутахассислари жавоб бердилар.***

**? Кўп хонадонли уйда дўкон очиш учун квартирани яшаш учун мўлжалланмаган жойлар сирасига ўтказиш лозимлигини биламан. Ўзининг уйида киоск очиш тартиби қандай?**

– Бундай бизнес (бироқ у вино-ароқ ва тамаки маҳсулотлари савдосини истисно қилади) билан шуғулланиш учун биринчи навбатда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш зарур. Бунинг учун сиз ўз фаолиятингизни амалга оширишни режалаштираётган туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (*ВМнинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – 357-сон Низом*) 16-бандига биноан қуйидагиларни тақдим этиш керак:

– 357-сон Низомга 1а-иловада кўрсатилган шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;

– 3 х 4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;

– давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

– уч нусхада муҳр ва штамп эскизлари (*якка тадбиркор хоҳишига кўра*);

– паспорт нусхаси.

Якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш муддати икки иш кунидан ошмайди (*357-сон Низомнинг 19-банди*).

Якка тартибдаги тадбиркор чакана савдо билан шуғулланиши учун ўзининг турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги ҳокимликдан рухсат гувоҳномасини олиши зарур (*ВМнинг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг 22-банди, бундан кейин – 407-сон Низом*).

Бунинг учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

– якка тартибдаги тадбиркор чакана сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза;

– жисмоний шахснинг юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

– якка тартибдаги тадбиркорда чакана савдо фаолиятини амалга ошириш учун моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

– назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси.

Бунда, 407-сон Низомнинг 24-бандига мувофиқ, рухсат гувоҳномаси якка тартибдаги тадбиркорларга фақат товарларнинг сақланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминловчи ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган, савдо асбоб-анжомлари билан жиҳозланган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин. Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркор томонидан фақат турғун савдо шохобчаси орқали, назорат-касса машинаси мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. У бундай машинани ижарага олиши ёки фуқаролик-ҳуқуқий битими асосида харид қилиши мумкин.

407-сон Низомнинг 32-бандига мувофиқ чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Уй-жой кодексининг 9, 16 ва 86-моддаларига биноан фуқароларнинг фақат доимий яшашига мўлжалланган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар (у кўп хонадонли уйда ёки ўз уйида жойлашганлигидан қатъи назар) турар жой деб ҳисобланади. Турар жойда тижорат фаолияти ташкил этилган тақдирда уни 357-сон Низом III бўлимининг В кичик бўлимининг талабларига мувофиқ яшаш учун мўлжалланмаган жойлар сирасига ўтказиш зарур.

**? Сигареталар билан савдо қилиш учун якка тартибдаги тадбиркор қандай ҳужжатларни олиши керак?**

– Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг (*ИВ, МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 26 июлда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган*) 3 ва 4-бандларига мувофиқ тамаки маҳсулотларини харид қилиш ва реализация қилиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Бироқ амалдаги қонун ҳужжатларида якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тамаки маҳсулотларини реализация қилиш шартларини тартибга соладиган махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас (алкоголли маҳсулот, қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар каби акцизли товарларни сотиш регламентларига ўхшаш). Бунинг устига, Вақтинчалик низом қабул қилинган пайтдан бошлаб савдо фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар жиддий равишда ўзгарди. Унинг кўп қоидалари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингач, ўз кучини йўқотди. Шу боис, фикримча, мазкур масала меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қилади.



***Артём ОТСТАВНОВ,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

*Муаммони юрист таҳлил қилади*

# ҲАММАНИНГ ЎЗ УСУЛИ БОР

***Фуқаролик муомаласининг барқарорлигини, ишлаб чиқариш ва савдо ривожини турли хил товар-моддий бойликларнинг импортисиз тасаввур қилиш қийин. Бунда улар маҳсулот учун хом ашё, пировард истеъмол учун ёки бошқа вазифа бўйича тайёр товар кўринишида бўлиши мумкин.***

***Умумжаҳон амалиётига мувофиқ Ўзбекистон импортчилари товар билан мамлакат чегарасини кесиб ўтаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни божхона органларида декларациялашлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона тўловларини тўлашлари шарт. Айни шу қонун ҳужжатлари божхона мақсадлари учун товарларнинг қийматини аниқлаш тартибини ҳам белгилайди, божхона тўловлари ана шу қийматдан тўланади. Шундай бўлса-да, олиб кирилган товарларни божхонада тозалаш давомида импортчилар процессуал тусдаги баъзи муаммоларга дуч келадилар, ушбу мақола уларнинг таҳлилига бағишланган.***

Биз «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунда (*1997 йил 29 августдаги 470-I-сон*) берилган, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартибини ва аниқлаш усуллари қўлланилишини муҳокама қилиш ниятида эмасмиз. «СБХ»да кўп мутахассислар, шу жумладан божхона органларининг мансабдор шахслари мазкур мавзуга оид материалларни тез-тез чоп этадилар. Бизнинг мақсадимиз бошқа муаммони, яъни: импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларига қўшилмаган ҳолларда божхона органларининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишни қўллаш механизмининг йўқлигини очиб бериш ва таҳлил қилишдир.

Амалдаги божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти[1] декларант (импортчи)нинг божхона қийматини аниқлашнинг у танлаган асосий усулини қўллаб бўлмаслиги тўғрисида божхона органининг қарори (ҳаракати, ҳаракатсизлиги) устидан судда шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутади. Бироқ бу ҳуқуқ, божхона органи божхона қийматини аниқлашнинг декларант танлаган усулини қўллаш мумкин эмаслиги тўғрисида расмий қарор қабул қилган тақдирдагина, амалий мазмунга эга бўлади. Амалиётда божхона органининг бундай қарори кўпинча мавжуд бўлмайди ва шикоят қилишга асос йўқ бўлади. Қуйидаги вазият жуда кўп учрайди.

Импортчи корхона Ўзбекистонга истеъмол товарини олиб келди. Унинг божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси ёки божхона брокери импортчининг топшириғига кўра тегишли божхона ҳужжатларини (божхона юк декларацияси, божхона қиймати декларацияси ва ҳоказо) тўлдирди ва уларни расмийлаштириш учун божхона органининг мансабдор шахсига тақдим этди. Агар у божхона қиймати нотўғри белгиланган деб ҳисобласа, ҳужжатларни декларантга қайтариб беради. Божхона инспекторлари асосан тўланадиган божхона тўловларини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Декларант товарнинг қийматини бундай товар учун божхона органининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган нархдан паст қилиб кўрсатган ҳоллар амалиётда жуда кўп учрайди. Бироқ мазкур ҳолда божхона инспекторининг қарори тегишли тарзда расмийлаштирилмайди. Бинобарин, шикоят қилиш предметининг ўзи мавжуд бўлмайди.

Импортнинг божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган божхона постлари декларант билан ёзишмани олиб боришга ваколатли эмаслиги муаммони янада чуқурлаштиради. Шу сабабли декларантнинг божхона пости билан расмий муносабатлари фақат юқори турувчи ҳудудий бошқарма орқали амалга оширилади, ҳолбуки амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона пости «божхона органи» атамасига жавоб беради. Бундай амалиёт оқибатида декларант инспекторга мурожаат қилганлиги ва унинг ҳаракатсизлиги ҳолатларини тасдиқлай олмайди.

Шу сабабли судга мурожаат қилиш учун импортчи шикоят қилиш предметини яратишга мажбур бўлади, бу эса серхаражат ва мураккаб таомилдир. Агар импортчига ҳужжатлар божхона органининг тавсиясига кўра қайта расмийлаштириш учун қайтариб берилган бўлса, у декларант таклиф қилган усул бўйича божхона тозалашидан бош тортиш сабаблари тўғрисида расмий тушунтириш беришларини сўраб ҳудудий божхона бошқармасига (ёки «Тошкент АЭРО» ИБМга) тегишли сўровнома юбориши керак. Ҳудудий божхона органи сўровномани бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқади, шундан сўнг муайян жавоб беради. Фақат шундан кейингина судга шикоят қилиш предмети юзага келади. Бироқ бу импортчининг зиммасига салмоқли моддий харажатларни юклайди. Масалани моҳиятига кўра ҳал қилишга қадар у мақбул усул бўйича божхона тозалашини амалга ошира олмайди. Товар божхона омборида муайян ҳақ эвазига сақланади, ўз вақтида оборотга киритилмайди, реализация қилинмайди, агар у хом ашё бўлса, ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Шу боис импортчилар кам фойда оладилар, зарар кўрадилар, контрагентлар олдидаги ўз шартномавий мажбуриятларини бажармай қолишлари ҳам мумкин. Бўлғуси суд жараёни ҳам муваффақиятни кафолатламайди. Бунинг устига, суд низони ҳал қилишига қадар бир неча ой ўтади. Бундай вазиятда импортчининг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиши кўпинча иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки у товарни қимматлаштирадиган қўшимча харажатларни юзага келтиради.

Тўғри, аввал божхона органи томонидан таклиф қилинган усул бўйича божхона тозалашини амалга ошириш, шундан кейин судга мурожаат қилиш мумкин. Бироқ ушбу ҳолда бошқа муаммо юзага келади. Божхона тозалаши жараёнида импортчининг ўзи товарни ва уни



баҳолаш усулларини декларациялайди. Бинобарин, унинг ўзи бирор-бир белгиланган усулни эълон қилади ва қўллайди. Суд муҳокамаси давомида божхона органининг вакиллари импортчи мустақил, ҳеч қандай кўрсатмасиз божхонада баҳолаш усулини белгилаб, барча божхона тўловларини тўлаган деб ҳақли равишда баёнот берадилар. Демак, божхона органлари бунга ҳеч ҳам дахлдор эмасдек кўринадилар. Агар импортчи рози бўлмаса, буни божхона тозалаши давомида айтиши керак эди. Шу туфайли бундай ишлар бўйича суд жараёнларининг кўпчилигида улар мағлуб бўладилар.

Агар божхона инспектори импортчи эълон қилган усулга қўшилмаса, унинг қарори қандай расмийлаштирилади? Ушбу муаммони ўрганиш асносида муаллиф божхона расмийлаштируви бўйича бир нечта мутахассисга ана шу саволни берди. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан божхона органи уларга ҳужжатларни қайта ишлаш учун қайтариб беришини айтишди. Улар эса ҳужжатларни қайта ишлашлари ёки юқори турувчи божхона органларига изоҳ талаб қилиб мурожаат қилишлари керак.

Ваҳоланки қонунчиликда божхона органларининг ҳар қандай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилиши назарда тутилган. Чунончи, Божхона кодексининг 93-моддасига мувофиқ божхона органи божхона декларациясини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини эълон қилиш ва назорат қилиш қоидалари[2] II бўлимининг 14-бандига кўра божхона қийматини тузатиш БҚТ-1 ва БҚТ-2 махсус шаклини тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Бироқ амалиётда божхона расмийлаштируви пайтида божхона қийматини тузатиш жуда кам учрайди, чунки барча декларациялар асосан божхона органлари билан келишиб расмийлаштирилади. Фикримизча, буни божхона қийматини тузатиш механизмининг етарли аниқ эмаслиги, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар доим ҳам, ҳатто уларнинг ҳақлигига ишонсалар ҳам, импортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилавермасликлари тақозо этади. Бу қуйидаги сабаблар билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар божхона органлари билан бирор-бир низо ва ихтилоф чиқишини хоҳламайдилар. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисида низомнинг[3] 2-бандига мувофиқ улар ўз фаолиятини ДБҚ берган малака аттестати асосида амалга оширадилар. Божхона органлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб, улар малака аттестатининг амал қилиши тўхтатилиши ёки тугатилишидан қўрқиб, импортчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра божхоначиларнинг тавсияларига оғишмай амал қилишни афзал кўриб, ҳар қандай низо ёки ихтилофли вазиятлардан қочадилар.

Иккинчидан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳажмдорлиги, мамлакат ташқи иқтисодий фаоллигининг ўсиши божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар малакасини доимо такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Амалиётда уларнинг малака даражаси етарли эмаслиги импортчи декларантларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўғри ҳимоя қилиш имконини бермайди ва уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги қоидасига риоя қилишга кўмак бермайди. Бизнинг фикримизча, фақат билимли ва ўзининг ҳақлигига ишонган мутахассис импортчиларнинг манфаатларини барча қонуний усуллар билан ҳимоя қилишга интилади, бунда ўзининг малака аттестатини йўқотишдан қўрқиб ўтирмайди.

Бу жиҳатдан олганда олиб кирилаётган товарларни декларациялашнинг хориж тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ушбу таомилни бизнинг божхона брокеримизга ўхшаган ихтисослашган фирмалар амалга оширади. Чунончи, АҚШ, Германия ва Японияда импортчи божхона брокери билан хизматлар кўрсатишга шартнома тузади, брокер ўз номидан товарни декларациялайди ва божхона тўловларини тўлайди, шундан сўнг импортчига божхона органи томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этади. Агар шундан сўнг божхона органи божхона қийматига тузатиш киритса ва божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаб ёзса, жавобгарлик божхона брокерлари зиммасида бўлади. Улар катта обрўга эга бўлганлари боис иложи борича ўз номларига доғ туширмасликка ҳаракат қиладилар, шу боис ҳам қонун ҳужжатларининг талабларига оғишмай риоя қиладилар.

Ўзбекистоннинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам божхона брокерларига товарларни декларациялаш ва божхона тўловларини ўз ҳисобларидан тўлаш имконини беради. Бироқ ушбу имконият амалиётда кенг қўлланилмаяпти. Товарлар асосан импортчи ҳисобидан декларацияланаяпти. Фикримизча, бу божхона қийматига кейин тузатишлар киритилган тақдирда молиявий жавобгарликка тортилишдан хавфсираш билан боғлиқ.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш ҳам хорижда бир қадар бошқача амалга оширилади. Масалан, Россия Федерациясида бундай мутахассисларни тайёрлаш билан божхона органларида аккредитация қилинган юридик шахслар шуғулланадилар. Талабгорлар ўқитилганидан кейин ушбу марказлар уларга мазкур фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқлайдиган сертификат беради. Бунда божхона органларидан бошқа ҳужжат олиш талаб қилинмайди.

Улар декларант танлаган божхона баҳосини чиқариш усулига қўшилмаган тақдирда божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан шикоят қилишнинг таъсирчан механизмини жорий этиш масаласига қайтиб, биз божхона юк декларациялари расмий қабул қилинишини қайд этиш тартибини жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Гарчи Божхона кодексининг 93-моддасида божхона органи божхона декларациясини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас дейилган бўлса-да, амалиётда буни амалга ошириш осон эмас. Шу муносабат билан БЮД олиниши далилини рўйхатдан ўтказиш мажбурийлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай механизмни жорий этиш иккиёқлама мақсадни кўзлайди.

Биринчидан, расмий декларациялаш далили қайд этилади. Агар божхона органининг мансабдор шахси божхона баҳосини чиқаришнинг танланган усулига қўшилмаса, у божхона қийматига расмий тузатишлар киритиши шарт, импортчи эса бундай қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Иккинчидан, кўрсатилган таомил божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ишининг сифатини оширишни рағбатлантиради. Бирор-бир ҳуқуқбузарлик юз берганида улар жавобгарликка тортилиши мумкин, импортчи эса уларнинг малакаси ва ваколатлар доираси ҳақида хабардор қилинади.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар касбига қўйиш божхона органлари рухсати билан амалга оширилиши тартибини бекор қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Уларни қўллаб-қувватлаш ва малакаларини текшириш учун бошқа давлат органида билимларни аттестациядан ўтказиш ёки Россиядагидек тузилма тузиш мумкин.

***Улуғбек ТОЖИЕВ,***
***юридик фанлар номзоди,***
***«TADJIEV & PARTNERS»***
***адвокатлик фирмасининг***
***маслаҳатчиси.***

*[1]Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» қарори (2009 йил 24 апрелдаги 197-сон).*

*[2]ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 22 февралда 899-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[3]ДБҚнинг қарори билан тасдиқланган, АВ томонидан 2003 йил 15 сентябрда 1272-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР АВ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКДнинг «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР МВ, МББ, ДСҚнинг «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ИВ, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 3 ОКТЯБРДАН 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АВТОМАГИСТРАЛИ БЎЙЛАБ ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА СЕРВИСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 458-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 — 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 апрелдаги ПҚ–1103-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб ҳаракатланиш қатнашчилари учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш, янги иш ўринлари шакллантириш, шунингдек автомагистрал ёнидаги ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон миллий автомагистрали ёнидаги мавжуд йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари уларнинг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ялпи хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари билан бирга ишлаб чиқилган 2010 — 2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш дастури 1-илова*га мувофиқ;

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг жойлаштирилишини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича Комиссия 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришда ягона шаҳарсозлик сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг жойлаштирилишини келишиш;

объектни жойлаштириш учун танланаётган ер участкасининг аҳоли пунктлари ва умуман минтақа ҳудудларини қуришни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларига, шунингдек шаҳарсозлик, экология, санитария, ёнғинга қарши кураш ва бошқа мажбурий норма ва қоидаларга мувофиқлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни келишиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Йўллойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият лойиҳалаш институти Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқу-

***1-3-иловалар берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

рилиш» қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 ноябргача бўлган муддатда Комиссияга, Дастурнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, келгуси йилда йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли рўйхатлари тасдиқлаш учун киритилишини таъминласинлар.

Комиссия ушбу қарор билан тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Йўл-лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳалаш ташкилотлари буюртмачиларнинг буюртманомаларига биноан йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича асосий бажарувчилар ҳисобланадилар, шунингдек ушбу объектлар қурилишида архитектура-режалаштириш талабларига ва белгиланган қурилиш нормаларига риоя этилиши юзасидан зарур назоратни таъминлайдилар;

лойиҳалаш ташкилотлари томонидан берилган йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг тасдиқланган лойиҳаларидан ҳар қандай четга чиқиш юқорида кўрсатиб ўтилган Комиссия томонидан ушбу объектларнинг харажатларини тўламасдан бузиб ташланиши юзасидан қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Республика йўл жамғармаси, хусусий тадбиркор-қурувчилар йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш бўйича лойиҳаларнинг буюртмачилари бўлишлари мумкин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш учун ер участкалари ажратиш қатъиян ушбу қарор билан ташкил этилган Комиссиянинг қарорлари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йил 1 июлгача бўлган муддатда қўриқланадиган зонада ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистралининг йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришга мўлжалланган қўриқланадиган зонасига туташ ҳудудда жойлашган, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига жавоб бермайдиган бино ва иншоотларнинг бузиб ташланишини;

йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларига, шунингдек кўчириладиган объектлар қайта жойлаштириладиган жойларга зарур муҳандислик коммуникацияларини объектлар қурилишидан олдин ўтказиш чора-тадбирлари кўрилишини;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда — Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича Низом талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан белгиланган тартибда тизимли назорат амалга оширилишини таъминласин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 22 октябрь*
*277-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АВТОМАГИСТРАЛИ БЎЙЛАБ ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА СЕРВИСИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ АЖРАТИШ БЎЙИЧА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари танлаш ва ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари — юк ва ташкилий равишда йўловчилар ташишга, шунингдек йўл ҳаракати қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун бир мақсадли битта ёки комплекс таркибидаги бинолар ва иншоотлар;

ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг дам олишини таъминлашга оид объектлар — кемпинглар, мотеллар, шунингдек санитария-гигиена узеллари ва автомобиллар тўхташ жойларидан иборат бўлган қисқа муддатли дам олиш майдончалари;

транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш объектлари — автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари ва техник ёрдам кўрсатиш пунктлари;

автотранспорт объектлари — автовокзаллар, юк автостанциялари, асосий транспорт-фойдаланиш терминаллари, диспетчерлик-назорат пунктлари;

тиббий ва авария ёрдами объектлари — тиббиёт пунктлари, дорихоналар, авария-чақириш хизмати, шошилинч чақириш колонкаси;

кемпинг — ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг дам олишига, овқатланишига, шунингдек ягона ҳудудда жойлашган транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган йўл инфратузилмаси ва сервисининг комплекс бинолари ва иншоотлари;

мотель — овқатланиш, маданий дам олиш, алоқа, тиббий ёрдам, майда техник хизмат кўрсатиш ва транспорт воситаларини ювишни таъминлаш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиладиган, автотуристларнинг дам олиши учун мўлжалланган йўл инфратузилмаси ва сервисининг комплекс бинолари ва иншоотлари.

3. Йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуйидаги йўналишлар бўйича хизматлар кўрсатади:

ҳайдовчилар ва йўловчилар, автотуристларнинг дам олишини таъминлаш;

транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш;
автотранспорт хизмати;
тиббий ёрдам ва авария ҳолатида ёрдам бериш.

4. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини комплекс мақбул жойлаштириш, шу жумладан техник хизмат кўрсатиш станциялари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва савдо пунктларининг қулай жойлашиши объектларни жойлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади.

5. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари Ўзбекистон миллий автомагистралининг муҳофаза зонаси чегарасига туташ ҳудудда жойлаштирилади. Ўзбекистон миллий автомагистрали қўриқлаш зонаси полосасининг кенглиги тасдиқланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ йўлнинг ҳар бир томонидан 25 метрни ташкил этади.

6. Зарур бинолар ва иншоотлар комплексини (кемпинг, мотель) мақбул жойлаштириш атроф муҳитни муҳофаза қилишга, хизмат кўрсатиш даражасига ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ эстетик талабларни, минтақавий хусусиятларни ва ландшафт шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Кемпинглар ва мотеллар аҳоли пунктлари четида ёки унинг ташқарисида, имкони борича, туристлар ва ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари учун жозибали бўлган хушманзара жойларда, асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун кам қимматли бўлган, Ўзбекистон миллий автомагистралининг муҳофаза зонаси чегарасига туташ ҳудудга бевосита туташган йўл участкаларида жойлаштирилади.

Транзит мотеллар ва кемпинглар сиғими (ётоқ жойлар сони) ўтадиган автотуристлар сони ҳамда шаҳарлараро ҳамда халқаро йўловчилар ва юк ташиш автомобиллари ҳаракати жадаллиги ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши керак.

Кемпинглар ва мотеллар бир-биридан шахмат тартибида йўлнинг ҳар икки томонида жойлаштирилиши керак. Кемпинглар ва мотеллар оралиғидаги масофа 100 километрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

7. Дам олиш майдончалари ҳар 15-20 километрда жойлаштирилиши керак. Дам олиш майдончалари ҳудудида автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш учун иншоотлар ва савдо пунктлари назарда тутилиши мумкин.

8. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларини ва техник хизмат кўрсатиш станцияларини жойлаштириш, уларнинг қувватини белгилаш техник-иқтисодий ва статистик ўрганишлар асосида амалга оширилиши керак. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари (бир суткада ёқилғи қуйишлар сони) қуввати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари постлари сони ва улар оралиғидаги масофа автомобиллар ҳаракати жадаллигига қараб ШНК 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» бўйича ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

Автомобиль сервиси бинолари ва иншоотларини жойлаштиришда энергия, сув таъминоти ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлиги, шунингдек уларни янада ривожлантириш имконияти ҳисобга олиниши зарур.

9. Объектларни лойиҳалаштириш шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Объектларни жойлаштиришда ерлардан экология, санитария жиҳатидан, шунингдек оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси объектлари қуриш учун ер участкалари шаҳарсозлик фаолияти учун ер участкаси ажратиш тартибида, Комиссиянинг ваколатларига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари асосида икки босқичда ажратилади:

биринчи босқичда — Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини лойиҳалаштириш учун ер участкаси танланади;

иккинчи босқичда — Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкаси материаллари тайёрланади, келишилади ва тасдиқланади.

## II. ОБЪЕКТЛАР ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАСИ ТАНЛАШ ТАРТИБИ

11. Объектларни лойиҳалаштириш учун ер участкаси танлашни келишиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган таклифлар асосида Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни кўриб чиқиш ва келишиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

12. Туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимлари (бошқармалари) объектларни жойлаштириш ва қуриш учун участка танлашга доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ишчи органи ҳисобланади.

13. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш учун ер участкаси танланишидан (берилишидан) манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар сўралаётган ер участкаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокими номига ариза берадилар.

14. Туман (шаҳар) ҳокими бир иш куни мобайнида юридик ёки жисмоний шахснинг аризасини қурилиш объектини жойлаштириш тўғрисида таклиф киритиш учун ишчи органга юборади.

15. Ишчи орган юридик ёки жисмоний шахс томонидан ариза берилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Комиссияга киритиш учун объектни жойлаштиришнинг қуйидаги ҳужжатларини тайёрлайди ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига тақдим этади:

объектнинг номи, шу жумладан, унинг қуввати (паспорти), объектни қуриш назарда тутилаётган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўл участкаси манзили (км) кўрсатилган ҳолда туман (шаҳар) ҳокими номига ариза;

йўл инфратузилмаси ва сервиси объектининг белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий лойиҳаси;

ер участкасининг тавсифи (бош режаларга эга бўлмаган аҳоли пунктлари ва туманнинг қишлоқлараро ҳудуди учун — тегишли аҳоли пунктининг М 1:2000 навбатчи режасидан кўчирма, М 1:10000 топографик сурат) — туман (шаҳар) ҳокими ҳамда туман (шаҳар)нинг манфаатдор ташкилотлари билан келишилган вазият режаси билан бирга;

Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаси қамраб олинган ҳолда, ер участкасининг камида икки томонининг атрофдаги объектлари акс эттирилган фотосурати (15 x 20).

16. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари келишиш учун тақдим этилган ҳужжатларни икки иш куни мобайнида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни келишишда ҳужжатлар:

Ўзбекистон миллий автомагистралининг вилоят марказлари ва шаҳар аҳоли пунктлари чегараси бўйлаб ўтадиган участкалари бўйича — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамиятига;

Ўзбекистон миллий автомагистралининг Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, шунингдек Тошкент вилоятининг шаҳар аҳоли пунктлари чегаралари бўйлаб ўтадиган участкалари бўйича — «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонасига;

Ўзбекистон миллий автомагистралининг қишлоқ аҳоли

пунктларидан ва қишлоқлараро ҳудуддан ўтадиган участкалари бўйича — «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятга юборилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан уч иш куни мобайнида келишилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотлари, «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти уч иш куни мобайнида Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларида қурилиш объектларининг жойлашиши схемасига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида объектларни жойлаштиришни кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштириш схемаси «Йўл-лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилади, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилади ҳамда Комиссия қарори билан тасдиқланади.

18. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан келишишда ҳужжатлар уч иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари (фақат биринчи шахс вақтинча бўлмаган ҳолларда) томонидан имзоланган илова хат билан биргаликда келишиш мақсадида Комиссияга юбориш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этилади.

Кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар асл нусхада, уларга асл нусханинг бир нусхаси илова қилинган ҳолда киритилади.

Юридик ва жисмоний шахснинг аризаси берилган кундан бошлаб ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Комиссияга тақдим этилгунигача умумий муддат ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб ўн беш кун мобайнида уларни кўриб чиқади ва баённома билан расмийлаштириладиган тегишли қарор қабул қилади.

20. Комиссия мажлиси баённомаси Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари (биринчи шахс вақтинча бўлмаганда) томонидан тасдиқланади.

Комиссия қарори Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзолари Комиссиянинг қарорига рози бўлмаган тақдирда ўзларининг асосланган хулосаларини баённомага илова қилиш ҳуқуқига эгадир.

21. Комиссия мажлиси баённомаси Комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан кейин уч иш куни мобайнида кўриб чиқиладиган барча ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига юборилади.

Объектни жойлаштиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда баённомада бундай рад этишнинг сабаби кўрсатилади.

22. Комиссия баённомасининг асл нусхаси Комиссия котибида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида — вилоятлар ҳокимликларида, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларида сақланади.

23. Комиссия томонидан ер участкасини танлаш ва объектларни жойлаштириш бўйича ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир иш куни мобайнида ҳужжатларни Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб жойлашган ер участкасини танлашга доир материалларни тайёрлаш учун Ишчи органга юборади.

24. Ишчи орган ўн иш куни мобайнида жисмоний ёки юридик шахс билан шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ваколатли бўлинмаларини (объектлар аҳоли пунктларидан ташқарида жойлаштирилган тақдирда) ва бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб этган ҳолда ер участкасини танлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни олиш шартлари бўйича материалларни тайёрлайди.

Ер участкаси танлаш бўйича материалларни келишувчи ташкилотлар материаллар олингандан кейин беш иш куни мобайнида уларни кўриб чиқади ва ўзларининг асосланган хулосаларини Ишчи органга тақдим этади.

25. Ишчи орган ер участкасини танлаш бўйича материалларни тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига қуйидаги таркибда тақдим этади:

объектни жойлаштириш материаллари;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ер участкаси чегараси режаси;

ер участкасини танлаш бўйича материаллар келишиладиган ташкилотларнинг хулосалари;

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг кўрадиган бошқа зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг йўқотишлари (зарурият бўлганда) миқдорини аниқлаш далолатномаси;

ер участкаси ўрмон хўжалиги корхоналари ерларидан олинган тақдирда ажратиладиган ер участкасини техник текшириш далолатномаси (зарурият бўлганда);

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат экология экспертизаси хулосаси;

танланган ер участкасининг ер ҳақидаги қонунлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосаси;

ер участкаси олиб қўйилаётган юридик ва жисмоний шахслар билан келишишга оид ҳужжатлар.

Кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда асл нусхада киритилади.

26. Ишчи орган томонидан тақдим этилган материаллар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокими уч иш куни мобайнида ер участкасини танлаш бўйича материалларни намунавий лойиҳани аниқ бир ер участкасига тўғрилаш учун тасдиқлайди ва ўз қарорини ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш ишларини ташкил этиш учун тегишли равишда туман (шаҳар) архитектура бўлимига (бошқармасига) юборади.

Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар йиғмажилди уч нусхада расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси ўзи учун ер участкаси танланган юридик ва жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси — Ишчи органга, учинчи нусхаси туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига берилади.

27. Ер участкасини танлаш бўйича материаллар тасдиқлангандан кейин юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси ва белгиланган тартибда ишлаб чиқилган бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар асосида лойиҳа ташкилоти томонидан қурилиш объектининг намунавий лойиҳаси тўғриланади, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги ёки вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш амалга оширилади.

Қурилиш лойиҳасини келишиш архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан тўлов ундирилмасдан уч иш куни

мобайнида амалга оширилади.

Қурилишнинг келишилган лойиҳаси белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг экспертиза бошқармалари томонидан амалга ошириладиган давлат экспертизасидан ўтказилади.

28. Давлат ҳокимияти органи лойиҳа ишлаб чиқилиши мониторингини олиб бораётган Ишчи органнинг асосланган тақдимномаси асосида ўзи учун ер участкаси танланган юридик ёки жисмоний шахс томонидан ер участкасини танлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уч ой мобайнида объект бўйича лойиҳа ишлари бошланмаган ҳолларда ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### III. ОБЪЕКТЛАР ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАСИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

29. Объект қуриш лойиҳаси келишилгандан ва тасдиқлангандан кейин юридик ва жисмоний шахс ер участкаси ажратиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимига ариза беради.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ер участкасини танлаш бўйича материаллар;

қуриш навбати кўрсатилган ҳолда объектнинг бош режаси нусхаси;

қурилиш лойиҳасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари билан келишиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

қурилиш лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш баённомаси нусхаси;

объект қурилиши лойиҳаси бўйича экспертиза органининг хулосаси.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокими икки иш куни мобайнида юридик ва жисмоний шахснинг ер участкаси бериш тўғрисидаги аризасини ер участкаси ажратиш ишларини ташкил этиш учун Ишчи органга юборади.

31. Ишчи орган ўн беш иш куни мобайнида, белгиланган тартибда объектни қуриш учун ер участкаси ажратишга доир ҳужжатларни тайёрлайди.

32. Ер участкаси ажратишга доир ҳужжатлар ер участкасини танлашга доир ҳужжатлар ҳамда белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган объект қурилиши лойиҳаси асосида тузилади.

33. Қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалигидан ташқари мақсадларда фойдаланиладиган ерларни ажратиш уларнинг амалда зарурлиги ва, қоидага кўра, уларда етиштирилган ҳосил йиғиштириб олингандан кейин амалга оширилади.

34. Ер участкаси ажратишга доир материалларни ишлаб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкаларининг эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларга етказилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажми, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишлари аниқлаштирилади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокими уч иш куни мобайнида ўз ваколатлари доирасида, Ишчи орган томонидан тайёрланган материаллар асосида, объект қурилиши учун ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ер участкаси ажратишга доир материаллар нусхаси давлат ҳокимияти органларининг қарори илова қилинган ҳолда ер участкаси чегараларини натурага тушириш ва объектни қуриш учун Ишчи органга берилади.

36. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимининг ер участкасига доир материалларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида қуйидаги масалалар акс эттирилиши керак:

ер участкаси кимга ва қандай мақсадларда ажратилмоқда, шунингдек ер уларнинг ерларидан олинаётган (сотиб олинаётган) мулкдорлар, ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг номи;

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича ер майдонидан (мавжуд бўлганда) берилаётган ер участкасининг умумий майдони, шунингдек олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги экин майдонининг сифати (бонитет баллари);

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларга қопланиши керак бўлган (мавжуд бўлганда) зарарлар ҳажми;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишлари ҳажми (мавжуд бўлганда);

тупроқнинг унумдор қатламини ажратиб олиш зарурлиги (мавжуд бўлганда);

сув муҳофазаси, экология, санитария талаблари, бошқа шартлар ва талаблар.

### IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

37. Комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятлар ҳокимлари жавоб берадилар.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ПИВОНИ ЧАКАНА СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 44-сон, 466-модда)*

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ ҳамда республика аҳолиси, айниқса ўсиб келаётган авлод соғлиғини сақлашни таъминлаш, шунингдек пивони чакана сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил 1 ноябрдан бошлаб таълим муассасалари ва диний ташкилотлардан камида 500 метр радиусда жойлашган савдо объектлари орқали пивони чакана сотиш тақиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1-банди талабларига риоя қилмаслик Чакана савдо қоидаларини бузиш ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Алкоголли ва кучсиз алкоголли ичимликларни, шу жумладан пивони чакана сотиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни қатъийлаштирсин ҳамда қоидаларни бузишга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида:

а) 67-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Пиво кучсиз алкоголли ичимлик ҳисобланади ҳамда ушбу Қоидаларнинг V бўлими талаблари пиво билан ча-

кана савдо қилишга татбиқ этилмайди, 60-банднинг ўнинчи хатбоши бундан мустасно. Пиво сотишга йўл қўйилади»;

б) 189-банднинг ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«алкоголли ичимликларни, шу жумладан кучсиз алкоголли ичимликларни ва тамаки маҳсулотларини сотиш қоидаларига риоя қилмаслик».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 26 октябрь*
*282-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ВА АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 461-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2009 йил 29 октябрдан кучга киради.***

***Адлия вазири***
***Р.МУҲИТДИНОВ.***
*10-сон*

***Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи***
***З.ДУСАНОВ.***
*39-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.*

---

*Ўзбекистон Республикаси*
*Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси*
*ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш*
*департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10, 39-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ВА АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (бундан кейинги ўринларда нотариал идоралар деб юритилади), шунингдек, адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

**бенефициар мулкдор** — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга ошираётган юридик шахс;

**ички ҳужжатлар** — ички назоратни ташкил этиш ва

амалга оширишни тартибга солувчи, нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар;

**ички назорат** — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг фаолияти;

**идентификациялаш** — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида, у топширган ҳужжатлар асосида нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари томонидан мижозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

**мижоз** — нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида ёзма ёки оғзаки топшириқ (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**мижозни лозим даражада текшириш** — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, шунингдек, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш;

**хабар қилиниши лозим бўлган операциялар** — ички назоратни ўтказиш давомида нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

**шубҳали операция** — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларини амалга оширишда нотариал идорада ёки адвокатлик тузилмасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади);

**ҳудудий адлия органлари** — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

2. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари мижозлар учун ёки улар номидан операциялар ўтказганда қуйидаги соҳаларда ички назоратни амалга оширади:

кўчмас мулкни сотиб олиш ёки сотиш;

мижознинг пул маблағлари, қимматли қоғозлари ёки бошқа мол-мулкини бошқариш;

банк, жамғарма ҳисобварақлари ёки қимматли қоғозлар ҳисобварақларини бошқариш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш учун маблағлар йиғиш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш ҳамда корхоналарнинг олди-сотдиси.

3. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг ички назорат қилиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга оғишмай риоя қилинишини таъминлаш.

4. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ички назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқишини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 24-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

## II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс тайинланади.

6. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларининг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ мижозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

7. Давлат нотариал идорасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс ҳудудий адлия органининг буйруғи билан тайинланади.

Икки ва ундан ортиқ давлат нотариусидан ташкил топган давлат нотариал идорасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс этиб ҳудудий адлия органининг буйруғида кўрсатилган мазкур нотариал идоранинг давлат нотариуси тайинланади.

Агар давлат нотариал идораси битта давлат нотариусидан иборат бўлса, ички назорат қоидаларига риоя этили-



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ № 46 (227) • 2009 йил 16 ноябрь 11

ши учун жавобгарлик мазкур нотариус зиммасига юклатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур нотариус зиммасига юклатилади.

8. Адвокатлик тузилмасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс адвокатлик тузилмасининг адвокати адвокатлик тузилмаси раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Буйруқнинг нусхаси шахсий маълумотлар билан бирга буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида ҳудудий адлия органига юборилади.

Адвокат адвокатлик фаолиятини индивидуал тарзда амалга ошираётган ҳолларда (адвокатлик бюроси) ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур адвокат зиммасига юклатилади.

9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва мижозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштирадилар;

нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назорат қоидаларини ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритадилар (тасдиқлайдилар);

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайдилар;

ички назорат қоидалари ва дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайдилар.

10. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидагиларга ҳақли:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган фармойиш берувчи, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланаётган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

11. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар:

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чораларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга ахборот бериш;

олинган ахборотларнинг маҳфийлигига риоя қилиш.

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

12. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар бир йилда камида бир марта ҳудудий адлия органига ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

13. Ҳудудий адлия органида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини юритадиган, уларнинг ўқиши ва малака оширишини ташкил этадиган, шунингдек, улар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни умумлаштирадиган ва таҳлил этадиган ходим тайинланади.

14. Ҳудудий адлия органи ярим йилда бир марта ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай Адлия вазирлигига нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини тақдим этади.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ярим йилда бир марта ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай Департаментга нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини тақдим этади.

## III. МИЖОЗЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ

16. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар.

17. Мижозларни лозим даражада текшириш операциялари амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бенефициар мулкдорни белгилаш учун нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари мижоз бошқа шахснинг номидан иш кўраётганлигини аниқлашга ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

18. Мижоз нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасига операцияларни амалга ошириш тўғрисида топшириқ (ариза, илтимоснома) билан бир ёки бир неча марта мурожаат қилганда, нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси қуйидагиларга мажбурдирлар:

мазкур Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ операция бўйича мижоз ёки наф олувчини идентификациялаш;

ушбу мижознинг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операция турини ҳамда унинг мижоз — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсад ва фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган мижоз — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида белгиланган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш.

19. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши лозим.

20. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари давлат

рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатларига;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

21. Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг аввалги нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш орқали текширишга ҳақлидир.

22. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва мумкин бўлган чора-тадбирларни қўллаши лозим.

23. Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини бериши шарт.

## IV. ХАБАР ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ

24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, топшириқ берувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг амалга оширилаётган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишланиши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг (юридик ёрдам) фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

мижознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаганлиги, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолияти турларига тўғри келмаслиги;

битимга мижоз фаолиятига мувофиқ келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши;

операцияни амалга оширишда мижоз талаби билан қилаётган асосланмаган шошма-шошарлик;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини мижоз томонидан асоссиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида била туриб ёлғон ахборот ва маълумотларнинг тақдим этилиши;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

амалга ошириш мақсади қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган назорат жараёнларидан бош тортиш дейишга асос бўладиган операциялар ёки битишувларнинг кўп маротаба юритилганлигининг аниқланиши.

25. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, ишга оид муносабатларнинг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

26. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай холларда нотариал идоралар ёки адвокатлик ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

27. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

қонун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

28. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақидаги ахборот нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс томонидан қоғоз ва/ёки электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

29. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ҳам тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки шубҳани олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга дарҳол хабар беришлари зарур.

## V. ИЧКИ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

### НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН АХБОРОТ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ТОПШИРИШ, САҚЛАШ, МАХФИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

30. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операциянинг тури ва уни амалга ошириш асоси;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

топшириғига кўра ёки номидан операцияни бажараётган жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни амалга ошираётган жисмоний шахс (ишончли вакили) ёки юридик шахснинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича олувчини ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

31. Департаментга ахборот тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ мазкур Қоидаларнинг иловасида келтирилган шакл бўйича амалга оширилади.

32. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги маълумотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификацияланган материаллар ва маълумотларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган, лекин операциялар амалга оширилган ёки мижозлар билан муносабатлар тўхтатилгандан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар давомида сақлашлари зарур.

33. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ходимларининг ички назорат бўйича вазифаларини бажариши жараёнида олган ахборотни ошкор этмаслигини (ёки шахсий мақсадларда, ё учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланмасликларини) таъминлайдилар.

### VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

34. Нотариал идоралари ва адвокатлик тузилмалари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат қилиш Адлия вазирлиги томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

35. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

36. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ТАРКИБИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МОЛИЯЛАШНИНГ УЛУШИГА ҚАРАБ ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 462-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда) 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2009 йил 29 октябрдан кучга киради.**

| | | |
|---|---|---|
| ***Молия вазири*** | ***Марказий банк раиси*** | ***Давлат солиқ қўмитаси раиси*** |
| ***Р.АЗИМОВ.*** | ***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.*** | ***Б.ПАРПИЕВ.*** |
| *92-сон* | *26/I-сон* | *2009-28-сон* |

*Тошкент ш., 2009 йил 18 сентябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/I, 2009-28-сон қарорига ИЛОВА*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ТАРКИБИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МОЛИЯЛАШНИНГ УЛУШИГА ҚАРАБ ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайти-

ришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 343-модда) 3-бандига мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашни амалга оширувчи тижорат банклари томонидан фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари 2015 йилнинг 1 январига қадар кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлайдилар.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**узоқ муддатли инвестициявий молиялаш** — уч йилдан кам бўлмаган муддатга бериладиган инвестициявий кредитлар ва лизинг хизматлари, шу жумладан банклар томонидан олинадиган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига банклар томонидан йўналтириладиган маблағлар;

**инвестициявий кредит (лизинг)** — Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-модда) 3-моддасида назарда тутилган мақсадлар учун берилган кредитлар (лизинг);

**кредит портфели** — барча кредитлар бўйича баланс ҳисобварақлари суммаси (брутто), банклар томонидан олинадиган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига банклар томонидан йўналтириладиган барча маблағлар, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган лизинг хизматлари суммаси.

3. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз 2009 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб қўлланилади ва 2014 йил солиқ даври якуни билан тўхтатилади. Мазкур имтиёзни 2009 йилда қўллаш учун тижорат банклари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги, учинчи чораги ва иккинчи ярим йиллиги учун алоҳида тақдим қиладилар.

## II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

4. Мустақил солиқ тўловчи бўлган филиаллар узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушини мустақил равишда аниқлайдилар.

5. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз тижорат банклари томонидан солиқ даври мобайнида ўсиб борувчи якун билан қўлланилади, 2009 йил солиқ даври бундан мустасно.

6. Фойда солиғи ставкаси кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилади.

Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши:

35 фоиздан 40 фоизгача бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 80 фоизини ташкил этади;

40 фоиздан 50 фоизгача бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 75 фоизини ташкил этади;

50 фоиздан юқори бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 70 фоизини ташкил этади.

7. Узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

**Уумим = Умим/КПх100, бунда:**

**Уумим** — узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши;

**Умим** — узоқ муддатли инвестициявий молиялаш;

**КП** — Кредит портфели.

Бунда, кредит ёки лизинг бўйича хизматларнинг берилган санасидан қатъи назар, узоқ муддатли инвестициявий молиялаш суммаси ва кредит портфели суммаси ҳисобот даври ойининг охирги санасига қабул қилинади.

Олдиндан уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестициявий кредит ёки лизинг бўйича хизматлар уч йиллик давр тугагунга қадар муддатидан илгари сўндирилган тақдирда, ушбу Низом мақсадлари учун мазкур кредит ёки лизинг бўйича хизматлар узоқ муддатли сифатида қаралади.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандига асосан аниқланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг имтиёзли ставкаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда) 128-моддасига асосан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага нисбатан қўлланилади.

9. Имтиёзларни қўллаш учун тижорат банклари давлат солиқ хизмати органларига Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим қилиш билан бир вақтда ушбу Низомнинг 1-иловасига асосан Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши ҳисоб-китоби — Маълумотномани тақдим қиладилар. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши ҳисоб-китоби — Маълумотнома ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёздан фойдаланмайдиган тижорат банклари томонидан тақдим этилмайди.

10. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини ҳисоблаб чиқишнинг шартли мисоли ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган.

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДА

11. Солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

*Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

СТИР [ | | | | | | | | ]

*Ҳужжат тури* [ ] / [ ]     *Ҳисобот даври* [ | ]     Солиқ даври [ | | | ]

Ҳужжат тури: *1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)*

Юридик шахснинг ______________________
тўлиқ номи

## Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши ҲИСОБ-КИТОБИ — МАЪЛУМОТНОМА

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *Сумма, минг сўм* |
|---|---|---|
| I. Узоқ муддатли инвестициявий молиялаш, жами (020, 030 ва 040-сатрлар суммаси), шу жумладан: | 010 | |
| уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестиция кредитлари (брутто*) (14700 — 15500, 15701 нинг тегишли ҳисобварақлари, бундан 14900 мустасно) | 020 | |
| уч йилдан кам бўлмаган муддатга кўрсатилган лизинг хизматлари (брутто*) (15600, 15705 нинг тегишли ҳисобварақлари) | 030 | |
| банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар | 040 | |
| II. Кредит портфели, жами (060, 070 ва 080-сатрлар суммаси), шу жумладан: | 050 | |
| берилган кредитлар суммаси (брутто*) (11900 — 15500, 15700 ҳисобварақлар) | 060 | |
| лизинг хизматлари (брутто*) (15600 нинг тегишли ҳисобварақлари) | 070 | |
| банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар | 080 | |
| III. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши (% да) ((010-сатр / 050-сатр) х 100%) | 090 | |
| IV. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, % | 100 | |
| V. Тузатилган солиқ ставкаси, % | 110 | |

** Брутто — ишончсиз қарзлар бўйича яратилган захираларни ҳисобга олмаган ҳолдаги кредит ёки лизинг суммаси.*

| *Ушбу ҳисоб-китоб — Маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:* | *Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар<br>СТИР<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо<br><br>Бош бухгалтер<br>СТИР<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо<br><br>Сана М.Ў. (кун/ой/йил) | Ушбу ҳисоб-китоб — Маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишда<br>☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали<br>варақда тақдим этилди<br>Тақдим этилган сана (кун/ой/йил)<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо |

*Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга*
**2-ИЛОВА**

СТИР | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 0 |

Ҳужжат тури | 1 | / | | Ҳисобот даври | 0 | 3 | Солиқ даври | 2 | 0 | 0 | 9 |

*Ҳужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)*

Юридик шахснинг ______________________
тўлиқ номи

## Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши ҳисоб-китоби — Маълумотномани тўлдиришга ШАРТЛИ МИСОЛ

| *Кўрсаткич номи* | *Сатр коди* | *Сумма, минг сўм* |
|---|---|---|
| I. Узоқ муддатли инвестициявий молиялаш, жами (020, 030 ва 040-сатрлар суммаси), шу жумладан: | 010 | 29 000 |
| уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестиция кредитлари (брутто*) (14700 — 15500, 15701 нинг тегишли ҳисобварақлари, бундан 14900 мустасно) | 020 | 6 000 |
| уч йилдан кам бўлмаган муддатга кўрсатилган лизинг хизматлари (брутто*) (15600, 15705 нинг тегишли ҳисобварақлари) | 030 | 8 000 |
| банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар | 040 | 15 000 |
| II. Кредит портфели, жами (060, 070 ва 080-сатрлар суммаси), шу жумладан: | 050 | 81 000 |
| берилган кредитлар суммаси (брутто*) (11900 — 15500, 15700 ҳисобварақлар) | 060 | 55 000 |
| лизинг хизматлари (брутто*) (15600 нинг тегишли ҳисобварақлари) | 070 | 11 000 |
| банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар | 080 | 15 000 |
| III. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши (% да) ((010-сатр / 050-сатр) х 100%) | 090 | 35,8 |

| Кўрсаткич номи | Сатр коди | Сумма, минг сўм |
|---|---|---|
| IV. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, % | 100 | 15 |
| V. Тузатилган солиқ ставкаси, % | 110 | 12 |

** Брутто — ишончсиз қарзлар бўйича яратилган захираларни ҳисобга олмаган ҳолдаги кредит ёки лизинг суммаси.*

*1. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши:*
*35 дан 40 фоизгача бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 80 фоизини ташкил этади;*
*40 дан 50 фоизгача бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 75 фоизини ташкил этади;*
*50 фоиздан юқори бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 70 фоизини ташкил этади.*

*2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг амалдаги ставкасида — 15 фоиз ва кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши шароитида тузатилган солиқ ставкаси 12 фоизни (15 х 80%) ташкил этади.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИНИ ЭСКИРИШИНИ АНИҚЛАШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2028.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 44-сон, 477-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 августдаги 02/5-82-сон топшириғини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қарор қилади:

1. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. СССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йил 11 ноябрдаги 824-сон қарорига мувофиқ СССР Госплани, СССР молия вазирлиги, СССР Давқурилиш ва СССР МСБ томонидан 1974 йил 28 июнда тасдиқланган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари асосий фондлари бўйича Йиллик эскириш нормалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2010 йил 1 январдан қўлланилмасин.

3. Мазкур қарор 2010 йил 1 январдан кучга киради.

****2010 йил 1 январдан кучга киради.***

| Молия вазири | Иқтисодиёт вазири | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси |
|---|---|---|
| **Р.АЗИМОВ.** | **С.БЕКЕНОВ.** | **Б.ХОДЖАЕВ.** |
| 95-сон | 85-сон | 6-сон |

*Тошкент ш., 2009 йил 30 сентябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 30 сентябрдаги 95, 85, 6-сон қарорига ИЛОВА*

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИНИ ЭСКИРИШИНИ АНИҚЛАШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни тартибга солади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Бюджет ташкилотлари (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) асосий воситаларини эскириши мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ бюджет ташкилотлар асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан (бундан кейинги ўринларда эскириш меъёрлари деб юритилади) келиб чиққан ҳолда ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидаги ташкилотларда асосий воситаларнинг эскириши меъёрларини асосий воситаларнинг техник шартлари ва/ёки тайёрловчи-ташкилотлар тавсияларига мувофиқ асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда мазкур Низом билан белгиланган меъёрлардан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда белгилашлари мумкин.

Асосий восита объектларида амалга оширилган

қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида дастлабки қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари яхшиланиши (оширилиши) ҳолларида ташкилотлар шу объектнинг амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация ишлари тугатилган ойдан кейинги ҳисобот ойининг биринчи санасидан бошлаб шу объектнинг самарали фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқадилар.

3. Беғараз олинган асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддати қуйидагича аниқланади:

ташкилотлардан олинганлар учун — амалда фойдаланилган муддатларини ва аввал ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобга олган ҳолда;

бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинганлар учун — ташкилотларда доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланган объектнинг бозор баҳоси ва фойдаланиш муддатидан келиб чиққан ҳолда.

4. Эскириш қуйидаги асосий воситалар бўйича аниқланмайди: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган иморатлар ва иншоотлар, кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўқув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қилмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар, маҳсулдор қора моллар, қўтослар, ҳайвонот олами экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш ташкилотларда), фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етмаган кўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фонди, саҳнага қўйиш ускуналари, бадиий ва музей буюмлари.

## II. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА ЭСКИРИШ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5. Асосий воситалар объекти бўйича эскириш ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойининг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг дастлабки (тикланиш) қиймати доирасида ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

6. Ҳисобот йили мобайнида асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг 1/12 миқдорида ҳисобланади.

7. Асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳисоблаш асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати тўлиқ қопланган ёхуд бу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойининг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади.

Асосий воситалар объектининг самарали фойдаланиш муддати мобайнида эскириш ҳисобланиши тўхтатилмайди, объектларда амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилиши туфайли тўлиқ тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳисоблаш ҳисобот даврида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисобот даврида акс эттирилади.

Эскириш ҳисоблаш асосий воситалар объектлари қийматининг 100% идан ошиб кетиши мумкин эмас.

## III. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ЭСКИРИШИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

9. Ҳисобот ойи учун асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси ташкилотлар бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситалар фонди» субсчётининг дебети бўйича ва «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ҳисобот йили мобайнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши (тўзиганлиги ва эскирганлиги туфайли тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқарилиши натижасида ҳам) ҳисобига эскиришнинг умумий суммаси ўзгариши мумкин.

10. Ҳар ойда ҳисобланган эскириш суммаси тегишли инвентарь карточкалар (китоблар)да асосий воситалар объектлари бўйича ҳисоби ёзиб борилмайди. Агар асосий воситалар тугатилаётганда ёки бошқа ташкилотга берилаётганда, шунингдек объектларни эскиришининг йиллик меъёри белгиланган тартибда ўзгартирилаётган бўлса, асосий восита объектларининг бутун фойдаланиш муддати мобайнида ҳисобланган тўлиқ эскириш суммаси алоҳида инвентарь объектлари бўйича аниқланади.

11. Аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар бир ташкилотдан бошқасига берилаётганда, шунингдек тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқарилаётганда объектларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва мазкур Низомга мувофиқ ўрнатилган тартибда ҳисобланган эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бошқа ташкилотлардан аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар — инвентарь объектлар келиб тушганда, қабул қилиб олувчи томон бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айирмаган ҳолда «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари дебети бўйича ва уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айирган ҳолда — «Асосий воситалар фонди» субсчёти кредити ҳамда берувчи ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ мазкур объект эскириш суммасига — «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти кредити бўйича акс эттирилади.

Бошқа ташкилотлардан келиб тушган аввал фойдаланишда бўлган объектлар бўйича эскириш суммаси тегишли инвентарь карточкалар (китоблар)га ёзилади.

12. Тугатилган ёки бошқа ташкилотларга берилган асосий воситалар объектлари бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари кредити бўйича дастлабки (тикланиш) қийматида ва «Асосий воситалар фонди» субсчётининг дебети айнан дастлабки (тикланиш) қиймати бўйича, лекин ҳисобланган эскиришни айирган ҳолда ва «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётининг дебети бўйича мазкур объектнинг бутун фойдаланиш муддати мобайнида юқорида 5-7-бандларда кўрсатиб ўтилган тартибда ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

13. Келгусида фойдаланишга яроқли бўлган алоҳида объектлар қийматининг 100% миқдорида ҳисобланган эскириш, уларнинг тўлиқ ҳисобланган эскириш омили ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

## IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

***Давлат статистика қўмитаси раиси***
***Ғ.ҚУДРАТОВ.***

*2009 йил 30 сентябрь.*

*Бюджет ташкилотларининг асосий*
*воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш*
*тартиби тўғрисидаги низомга*
*ИЛОВА*

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ЭСКИРИШ МЕЪЁРЛАРИ

| *Гуруҳлар т/р* | *Кичик гуруҳлар т/р* | *Асосий воситаларнинг номи* | *Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда* |
|---|---|---|---|
| I | | **Бинолар, иморатлар ва иншоотлар** | |
| | 1. | Бинолар, иморатлар | |
| | 2. | Нефть ва газ қудуқлари | |
| | 3. | Нефть-газ омборлари | |
| | 4. | Кема қатнайдиган каналлар, сув каналлари | |
| | 5. | Кўприклар | |
| | 6. | Дамбалар, тўғонлар | |
| | 7. | Дарё ва денгиз причал иншоотлари | 5 |
| | 8. | Корхоналарнинг темир йўллари | |
| | 9. | Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар | |
| | 10. | Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар | |
| | 11. | Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи | |
| | 12. | Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи | |
| | 13. | Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклари, тўхташ жойлари | |
| | 14. | Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари | |
| | 15. | Спорт-соғломлаштириш иншоотлари | |
| | 16. | Иссиқхоналар ва парниклар | |
| | 17. | Бошқа иншоотлар | |
| II | | **Узатиш қурилмалари** | |
| | 1. | Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари | |
| | 2. | Ички газ қувурлари ва қувурлар | |
| | 3. | Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари | 8 |
| | 4. | Магистрал қувурлар | |
| | 5. | Бошқалар | |
| III | | **Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар** | |
| | 1. | Иссиқлик техника ускуналари | |
| | 2. | Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари | |
| | 3. | Электр двигателлари ва дизель-генераторлар | 8 |
| | 4. | Комплекс қурилмалар | |
| | 5. | Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари) | |
| IV | | **Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)** | |
| | 1. | Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар | |
| | 2. | Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари | |
| | 3. | Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси | |
| | 4. | Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари | |
| | 5. | Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари | |
| | 6. | Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари | 15 |
| | 7. | Компрессор машиналари ва ускуналари | |
| | 8. | Насослар | |
| | 9. | Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар | |
| | 10. | Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари | |
| | 11. | Технологик жараёнлар учун барча турдаги сиғимлар | |
| | 12. | Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари | |
| | 13. | Бошқа машиналар ва ускуналар | |
| V | | **Ҳаракатланувчан транспорт** | |
| | 1. | Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби | 8 |
| | 2. | Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари | |
| | 3. | Ҳаво транспорти | |
| | 4. | Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти | |
| | 5. | Енгил автомобиллар | 20 |
| | 6. | Саноат тракторлари | |
| | 7. | Коммуна транспорт | 10 |
| | 8. | Махсус вахта вагонлари | |

| Гуруҳлар т/р | Кичик гуруҳлар т/р | Асосий воситаларнинг номи | Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда |
|---|---|---|---|
| | 9. | Бошқа транспорт воситалари | 20 |
| VI | | **Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари** | |
| | 1. | Компьютерлар | 20 |
| | 2. | Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари | |
| | 3. | Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси | |
| | 4. | Бошқалар | |
| VII | | **Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар** | |
| | 1. | Кўп йиллик дов-дарахтлар | 10 |
| | 2. | Идора мебели ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар) | 15 |
| | 3. | Бошқалар | 10 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 3 ОКТЯБРДАН 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 39/ҚҚ, 27/ҚҚ-сонли қарори.*

***2009 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2011 (2009 йил 16 октябрдан кучга киради).***

2. «Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 6 октябрдаги 221-мҳ-сонли буйруғи.*

***2009 йил 6 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012 (2009 йил 16 октябрдан кучга киради).***

3. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 сентябрдаги 93-сонли буйруғи.*

***2009 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1828-1 (2009 йил 18 октябрдан кучга киради).***

4. «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 9 сентябрдаги 172-сонли буйруғи.*

***2009 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2013 (2009 йил 18 октябрдан кучга киради).***

5. «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сонли қарори.*

***2009 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014 (2009 йил 18 октябрдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисидаги низом, 2-сон қўшимча ва ўзгартишлар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1444, 2005 йил 18 январь), (рўйхат рақами 1444-2, 2005 йил 17 сентябрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 9 сентябрдаги 206-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида низом», 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 630, 1999 йил 11 февраль), (рўйхат рақами 630-1, 1999 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 630-2, 1999 йил 22 декабрь), (рўйхат рақами 630-3, 2001 йил 19 март), (рўйхат рақами 630-4, 2002 йил 15 январь), (рўйхат рақами 630-5, 2002 йил 14 май), (рўйхат рақами 630-6, 2003 йил 15 апрель), (рўйхат рақами 630-7, 2004 йил 16 сентябрь), (рўйхат рақами 630-8, 2005 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 630-9, 2005 йил 21 июль), (рўйхат рақами 630-10, 2007 йил 13 декабрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 8 октябрдаги 224-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

*Тарих саҳифасидаги номлар*

**Ҳозирги қарийб барча тадбиркорлар ишда назорат-касса машиналаридан фойдаланишга мажбур. Бизнес соҳасида шундайлар ҳам борки, улар қулай фурсат туғилди дегунча бундай машинани ишлатмаслик пайида бўладилар. Ҳолбуки 200 йилча олдин бундай машиналарнинг ибтидоий усулда яратилган қурилмалари тужжорларга анча-мунча маблағни тежаш имконини берган эди.**

# «КАССА» СОЛНОМАСИ

Ортиқча қийинчиликлару ташвишларсиз мўмайгина пул топишни кимлар орзу қилмайди дейсиз. Савдо соҳаси башарият пайдо бўлибдики, ўғирлик, ўмариш шайдоларига кенг имконият бериб келади. Дўкон эгалари, бошқа даромаддорларда қўл остида ишлайдиганларни муттасил кузатиб ўтиришга фурсат йўқ. Кимнинг чўнтагига қанча нақд пул «кириб кетганини» хўжайин қаердан ҳам билсин?! Фирибгарларнинг осон йўл билан пулни ўзлаштиришига ғов қўйиш муддаоси америкалик Дэвид Браунга XIX асрнинг охирларида қизиқ ихтиро қилиш имконини берди. Барча омилкор кишилар каби у ҳам ихтироси тузуккина иқтисодий наф келтиришини сезган чоғи, товарлар, нақд пуллар ва бошқа майда юкларни ташиш аппарати деган ноу-хаусини патентлаб олди. Бу воқеа 1875 йилнинг 3 июлида содир бўлди. Айтмоқчи, тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, бу тизим илк бор тўрт йилдан кейин, 1879 йилда Массачусетс штати ҳудудидаги мебель магазинида амалиётга татбиқ этилди.



Ихтиро қилинган аппарат оддий ва нимаси билан ғоят қизиқарли эди. Сотувчи сотган товари учун харидордан олган пулни халтага солиб, халтани арқонга илиб кассирга жўнатарди. Кассир халтани олгач, ҳақ тўланганлигидан далолат берувчи квитанцияни солиб, халтани келган жойига жўнатарди. Йирик дўконларда сотувчилар кўп бўлганлиги сабабли улардан кассир тарафга ўтказилган арқонлар ҳам кўп бўларди. Бу ихтирони жорий этишга кетган харажат ўзини оқлади: савдо зўрайгани сари янгиликни қўллаётган тадбиркорларнинг даромадлари ҳам орта борди. Шу сабабли тез орада ташиш аппаратига бўлган ҳуқуқни Браундан ўша мебель магазинининг эгаси Лэмсон сотиб олди. У арқонга асосланган тизимни ишлаб чиқариш ва жорий этишга ихтисослашган алоҳида бир компания очди. Ана шу арқон ва халталарнинг энг зўр афзаллиги уларнинг оддийлигида эди, binобарин бирон ерда носозлик чиқиб қолса, тезда бартараф этиш мумкин эди.

## САЁҲАТ – ЖЕЙМСЛАРГА РОҲАТ

Ҳозирги касса аппаратлари босиб ўтган навбатдаги йўл америкалик ака-ука Риттиларнинг ихтироси билан боғлиқ бўлди. Улардан бирига (Жеймсга) Огайо штатидаги қаҳвахона қарарди. Қаҳвахона ходимлари вақти-вақти билан мижозлардан тушган пулни ўз чўнтакларига уришдан сира тап тортмасдилар. Жеймс Ритти Европага кемада саёҳат қилар экан, қизиқувчан бўлгани учун ҳам кеманинг машина бўлимини кўздан кечираётиб, айланма эшкак қанча айланганлигини ҳисоблаб борувчи аппаратни кўриб қолди. Бу механизм қаҳвахонасидаги ҳар бир мижоз қилган харидни ҳисоблаб боришга ёрдам бериши унинг бутун хаёлини банд этди.

Ғояни укаси Жон рўёбга чиқарди. Бу пайтга келиб у бир қанча патентланган ихтироси билан кўпчиликка танилган эди. Жеймснинг илтимоси билан тушумни ҳисобловчи машина ясади. Машина ёнма-ён жойлашган икки клавишли аппарат эди. Клавишларнинг ҳар бири маълум рақамни қайд этарди. Биринчи кассада киритилган доллар ва цент миқдорини акс эттирувчи иккита мили бор циферблат ҳам бор эди. Кейинчалик циферблатни ҳозирги дискларга ўхшаш нарса билан алмаштирдилар. Энг муҳими кун бўйи тўпланган тушум касса аппаратининг ичида қоларди, махсус калитсиз ундан пулларни олиб бўлмасди. Бундан ташқари харидорлар билан амалга оширилган барча пул ҳисоб-китобларига оид ахборот аппаратда сақланиб қоларди.

Мўъжиза даражасидаги бу машина 1876 йили дунёга келди. 1879 йилнинг 4 ноябрида кассанинг такомиллаштирилган модели учун Ритти патент олди. Ака-укалар касса аппаратларини кўплаб ишлаб чиқармоқчи бўлдилар. Лекин бу жараён мураккаблиги боис фикрларидан қайтиб, патентни ва касса аппаратлари тайёрланадиган корхонани савдогар Якоб Эккертга минг долларга сотиб юбордилар.

## ҚЎНҒИРОҚ ОВОЗИ

Касса аппарати Огайо штати сарҳадларидан четга чиқиб, бутун Америкага ва ҳатто бутун жаҳонга тарқалиши Жон Паттерсон номи билан боғлиқ. Жаноб Паттерсон Браун ва Риттилар каби қўл остидагиларнинг чакана ўғирлигидан кўп жабр кўрган эди. Улар дўкон тушумидан бир «чимдимгина» ўмариб қолишни оддий ҳол деб билардилар. Чоғроқ кўмирчилар шаҳарчасида ўзига хос йўсинда монопол эканлигига қарамай, корхона синиш ёқасига бориб қолган вақтлар ҳам бўлди. Ана шу алфозда Паттерсон қўрқмасдан, дангалига иш тутиб, Ритти тизимидаги учта касса аппаратини сотиб олди. Ўзгариш тезда сезилди-қўйди. Ўғирликлар, шу билан бирга Жоннинг дўконидаги доимий зарар кўришлар барҳам топди. Боз устига савдо нуқтаси ўз эгасига мисли кўрилмаган даромад келтира бошлади. Қувончидан терисига сиғмай кетган Паттерсон қўли эгри ходимларни бўшатиб юборди, касса машиналаридан яна элликтасини сотиб олди.

Бу ишнинг истиқболи эканлиги, даромад оқиб келавериши мумкинлигини ҳис этиб, у Эккертдан патентни ҳам, устахонани ҳам сотиб олди. Ўша йиллардаги газета хабарлари тасдиғига қараганда патент ва устахона унга тахминан беш минг долларга тушган. Аммо бу янги корхонадан ишбилармон ишлаб топиши мумкин бўлган даромадларга қиёсланса, арзимаган пул эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Паттерсон Риттининг ихтироси «меваси»ни сотиш билан бирга уни бор куч билан такомиллаштирди ҳам. Касса аппаратига кичкинагина қўнғироқ осиб қўйиш ғояси ҳам Паттерсондан чиқди. Кассир пул солинадиган сурма тортмани очиши билан қўнғироқ жарангларди. Шу қўнғироқ Паттерсон касса машиналарининг фирма белгиси бўлиб қолди. Бундан ташқари унинг касса машиналари ишлаб чиқарувчи корхонасида мижоз учун харид суммаси кўрсатилган чек уриб чиқарадиган қурилма ихтиро қилинди. 1920 йилга келиб компания икки миллион дона касса машиналарини сотди, бундай машиналарни жаҳондаги барча дўконларда учратиш мумкин эди. Касса машиналари муттасил такомиллаштириб борилди ва истеъмолчилар ўртасида тобора кўпроқ шуҳрат топди. Фақат 1960-1970 йилларга келиб Паттерсон касса машиналари бозорда Япония, Швеция ҳамда Американинг бошқа фирмаларига ўз ёнидан жой беришга мажбур бўлди.

## СЕРМАШАҚҚАТ ЙЎЛ

Россияда дастлабки касса машиналари XIX асрнинг охирларида пайдо бўлди. Бундай машиналар кўпроқ европаликларга тегишли дўконларга ўрнатилди. Негаки улар рус савдогарларига нисбатан янгиликларга ўчроқ эдилар. Тўғри, бундай аппаратларнинг аксарияти Паттерсон корхонасига тегишли эди. Паттерсон аппаратлари анча пайтгача илғорликни қўлдан бермай келди. Лекин 30-йилларнинг бошларида собиқ СССР ҳудудида бунақа машиналар кўп эмас эди. Тарихчиларнинг шоҳидлик беришича, шундай улкан мамлакатда 15 мингга яқин касса машинаси бор эди. 1934 йилдагина, яъни индустрлаштириш даври бошлангач, мамлакатнинг ўзида касса машиналари ишлаб чиқаришда ташаббус кўрсатилди. Лекин улар шунчалик кам чиқарилдики, оқибатда моҳир рус усталари четдан келтирилган кассаларни шўро савдоси талабларига мослаб қўя қолишди. Касса машиналари танқислиги муаммоси XX асрнинг 90-йилларига келганда ҳам тўла-тўкис бартараф этилмаган эди. Шу туфайли бўлса керак, 1993 йили Россия Президенти «Аҳоли билан ҳисоб-китобни амалга оширишда мулк шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиши тўғрисида» фармон чиқарди.

Касса иши ошуфталари учун энди бу янгиликларнинг унча қизиғи йўқ, чунки улар Интернетга эски (совет) касса аппаратини сотиб оламиз қабилидаги эълонларни жойлаштирмоқдалар. Аввал пул тўлаб чек олиб, шу чек ёрдамида, айтайлик, колбаса олинадиган пайтларни қўмсамоқдалар шекилли...

*Солиқлар тарихидан*

# ЎТМИШГА ҚАЙТИБ: ФАРЗАНДСИЗЛИК УЧУН СОЛИҚ ТЎЛАНАДИ...МИ?

**Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш учун нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз. Собиқ СССРда ўтган асрнинг 40-йилларида амалга оширилган энг дадил фискал ғоялардан бири фарзандсизлик учун солиқ олишнинг амалиётга татбиқ этилгани бўлди.**

Адолат юзасидан айтиш керакки, СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 21 ноябрдаги фармони билан амалиётга жорий этилган бу солиқнинг юзага келиши бутун куч ва пулини фашист истилочилари ҳужумини тўхтатиб қолишга ташлаган мамлакатнинг молиявий қийинчиликларининг тақозоси дейиш жилла тўғри бўлмайди. Ҳужжатда «кўп болали оналарга ёрдам кўрсатиш учун қўшимча маблағларни сафарбар этиш» мақсади айтилган бўлса-да, шу аснода нуфуз муаммоси ҳам ҳал этиларди. Ўша пайтларда юқори раҳбарий доиралар мамлакатда одам талафоти кутилганидан ҳам кўп бўлишини тушунгани учун ҳам давлатнинг ҳаётий қобилиятини сақлаб туриш ва кейинчалик иқтисодий салоҳиятни тиклаш учун туғилиш кўпайиши зарурлигини назарда тутган эди.

20 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча эркаклар, шунингдек 20 ёшдан 45 ёшгача бўлган эрли аёллар, агар фарзандли бўлмасалар, солиқ тўловчилар сирасига ўтарди. Ёлғиз аёллар маълум сабабларга кўра бундай солиқ мажбуриятидан озод этилганди. Бу солиқ анча вақт амалда бўлди, шу муддат мобайнида унинг ставкаси кўп бора ўзгарди. Фарзанди бўлмаган фуқаролардан давлат ўрта ҳисобда иш ҳақининг 6 фоизи миқдорида солиқ ундирарди.

1990 йилга келиб амалдорлар ойига 100 рубл ва бундан ҳам камроқ ҳақ оладиган фуқаролардан фарзандсизлик солиғини йиғишдан илк марта воз кечдилар, аммо ўзига тўқ одамлардан яна бирмунча вақт шундай солиқ олинди.

Мабодо турмушга чиқмаган аёл никоҳдан ўтса, у билан эрига бундай солиқ бобида бир йилга «таътил» берилarди. Шу муҳлат ичида жамиятнинг янги тузилган «ҳужайраси» фарзандли бўлиши керак. Бордию никоҳ рўйхатдан ўтказилганидан кейин 12 ой ўтгач, фарзандли бўлишмаса, эр-хотинлардан солиқ ундиришга киришиларди. Никоҳ муносабатларига киришилган вақт ва жой ҳақида ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида фарзанди бўлмаган аёллар тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаси қайд этилганидан кейин 20 кун ичида иш жойидаги бухгалтерияга хабар қилиши шарт эди.

Солиқ тўлашдан озод этилишда болаларнинг ҳисобга олиниши билан боғлиқ нозик жиҳат ҳам бор эди. Қонун аёллар учун ҳеч қандай истиснони назарда тутмасди. Агар аёл киши никоҳда ёки никоҳсиз фарзанд кўрган бўлса ёхуд фарзандлика олган бўлса, ундан фарзандсизлик солиғи олинмасди. Эркакларга келганда бу масала мураккаброқ эди. Агар уларнинг исми боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида қайд этилмаган бўлса, белгиланган тўловдан озод қилинмасди.

## СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚАЙТАРИШ

**Қонунда солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги банд бор эди. Кимдир билмасдан ёки фаромушлик туфайли оилада янги меҳмон туғилганлигини бухгалтерияга хабар қилишни унутиб, маълум вақт мобайнида фарзанди йўқлар қатори солиқ тўлашда давом этган ҳоллар ҳам бўларди.** Бундай вазиятда солиқ тўловчига унинг корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари томонидан имзоланган аризаси асосида узоғи билан бир йил муддат учун ортиқча тўланган сумма қайтариб бериларди. Хуллас ота-оналар фаромушлик туфайли, айтайлик, икки йил мобайнида солиқ тўлаб келган бўлсалар, кўрган «зарар»лари тўлиқ қопланишидан умид қилмасалар ҳам бўларди. Қонунда чақалоқнинг ўлик ҳолда туғилиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳам айтиб ўтилганди. Давлат фуқароларнинг бундай ҳолатини инобатга олиб, жигаргўшаларидан айрилган ота-оналарни бу йиғим тўлашга 12 ой мобайнида жалб этмасди.

Ана шу солиқнинг тарғиботи давлат микёсида энг юксак даражада олиб бориларди. Жумладан, КПСС Марказий Комитети бош котиби Никита Хрушчёв мазкур қонуннинг жорий этилишини давлатимизга фойда келтирувчи, мамлакат аҳолиси кўпайишига кўмаклашувчи тўғри ва яхши иш деб таърифлаган эди. Урушдан кейинги йилларда СССР аҳолиси миқдори юқори суръатларда ошди. Бироқ бунда ушбу солиқ асосий роль ўйнади дейиш ортиқча муболаға бўлур эди.

## БИСОТНИ ТИТКИЛАБ

**Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида фарзандсизлик солиғи батамом барҳам топди. Аммо 2006 йилнинг кузида Россия Давлат Думасининг депутати Николай Герасименко бюджет даромади манбаи сифатида уни яна бисотдан кўтариш таклифи билан чиқди: «Ватан олдидаги ўз бурчингиз ҳақида ўйламаётган экансиз, марҳамат қилиб тўловини тўланг».** Бу дадил таклиф Россия жамоатчилиги ўртасида кенг шов-шувга сабаб бўлди. Социологик сўровларнинг аксариятида давлат ғазнасини тўлдиришнинг бу эски усули тарафдорлари кўп бўлиб чиқмади. Россияликларнинг аксарияти фарзандсизлик солиғи тикланишига қатъиян қарши фикр билдирдилар. Мамлакатнинг ўша пайтдаги Президенти Владимир Путин ҳам уларнинг фикрига қўшилиб, таклиф этилган қонун лойиҳасини танқид қилди. Аммо молиявий-иқтисодий инқироз ва у туфайли бюджетда тахчиллик келиб чиққан мураккаб даврда баъзи жойларда фарзандсизлик солиғи ғояси унчалик ёмон ғоя туюлмаётган кўринади.

*Хорижий матбуот материалларидан.*




товар сертификатланган

ҚУВУРЛАР

полиэтилен

H1366-1

d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра

монтаж билан

иссиққа чидамли ва иссиқхона

ПЛЁНКАСИ

эни 20 см дан 200 см гача, қалинлиги буюртмага кўра

ЕЛИМ ёрлиқбоп

Шартномавий нархлар

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76



Ташкилот накд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидагиларни сотади

♦ ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

♦ ТИҚИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР

- Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ВКР, ВО, ВЦ, "Самал" вентиляторлари
- Электр ва қўл насослари
- КТЦ саноат кондиционерлари
- Электроталлар, кран-балкалар
- Муз генератори
- "Россиянка" электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- Занглaмас қувурлар ⌀57, эни 4 мм, ⌀10, эни 2 мм
- Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво фильтрлари
- КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

Товар сертификатланган

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (уяли), тел./факс 273-83-86



"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46 факс 274-66-77


Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 9 октябрдаги 10-0915/10767-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги EVA INTERNATIONAL SERVIS МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Эшназаров тайинланди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2009 йил 12 ноябрда соат 10.00 да Сергели туман ДСИ биносининг 3-қаватида бўлиб ўтди.

Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўч., 6-а уй, Сергели туман ДСИ биноси 4-1-хона. Тел.: 257-85-93, 257-74-51.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 октябрдаги 10-0907/15847-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "TOSHKENT TO`QIMACHILIK KOMBINATI"ни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона бўйича Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 5 ноябрдаги ажримига асосан вақтинчалик мувaққат бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими У.Эргашев тайинланган. Тел. 250-70-87. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2009 йил 3 декабрь куни соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўч., 6А-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 307-хона.

Банкротлик ишини суд мажлисида кўриш 2009 йил 4 декабрь соат 10.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент ш., Чилонзор "Ц" мавзеси, Чўпон ота кўч., 6-уй, суд биноси, 3-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 23 октябрдаги 10-0907/15518-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "ALOQA TEX.QURILISH SERVIS" ХК банкрот деб эътироф этилган. Мазкур корхона бўйича тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар бир ой давомида Тошкент шаҳар, Фарҳод кўч., 6А-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 4-қават, 312-хонада қабул қилинади.

Тел: 215-79-53.


МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz


● РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган, таъсисчилари топилмаган ва уларга нисбатан тугатилиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Рўйхат рақами ва санаси | | Манзили | Раҳбар исм-шарифи |
|---|---|---|---|---|
| METLIFE-SERVICE МЧЖ | 004423-11 | 16.03.09 | Кичик Бешёғоч 44-уй Бешёғоч кўч., 16-уй, 33-х. | Рашидов М.И. |
| AMIRA-ASTER МЧЖ | 003874-11 | 12.06.08 | У.Носир 1-тор кўч., 6-уй Олмалиқ. Миртор 5-1 | Мўминова И.В. |

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами | санаси |
|---|---|---|
| JAM SILAR BARAKA МЧЖ | 10-0914/16938 | 02.11.09 |
| AL QODIR TMSIRB ХК | 10-0914/16937 | 02.11.09 |

Мазкур корхоналар мувaққат бошқарувчиси этиб Х.Қосимов тайинланди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2009 йил 17 ноябрь соат 14.00 да Қорасарой кўч., 269-уй, ДСИ биносининг 111-хонасида бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши муҳокамаси 2009 йил 18 ноябрь соат 11.50 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биноси, 4-суд мажлислар залида кўрилади. Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўч., 6-уй.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 19 октябрдаги 11-0906/15030-сонли ҳал қилув қарорига асосан Оҳангарон шаҳридан рўйхатдан ўтган "Оҳангарон Камаз Сервис" ХК (СТИР 206103050) банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш ишлари бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Оҳангарон шаҳар ДСИ ходими А.Пўлатов тайинланган. Барча даъволар эълон босилган кундан эътиборан бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Холмуҳаммедов кўч., Оҳангарон шаҳар ДСИ биноси.

Тел.: 645-57-41, 645-17-28.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 30 октябрдаги 10-0907/15831-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган "TURONENERGOTA`MIR" МЧЖ бўйича тугатиш ишлари бошланган. Корхона юридик манзили У.Носир кўч., 63-уй. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Корхоналарга нисбатан талаб ва мурожаатлар бир ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўч., 6А-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-хонада қабул қилинади. Тел: 250-70-87.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 26 октябрдаги 11-0924/15619(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бекобод шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган "BEKEMIR-SERVIS" ХФ (СТИР 204825998) банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Бекобод шаҳар ДСИ ходими Н.Холмирзаева тайинланди.

Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади.

Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналарнинг аризалари бир ой давомида Бекобод шаҳар, Истиқлол кўч., 40-уй. Бекобод шаҳар ДСИ биноси, 16-хонада қабул қилинади.

***

**Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 11 ноябрдаги ажримига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхат рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|---|
| REAL SKAYT TRADE МЧЖ | 300916694 | 11-0906/17218(19) | Х.Яссавий кўч., 9-уй |
| MAGNUS SAVDO МЧЖ | 206739596 | 11-0906/10600(19) | Истиқбол кўч., 59-а уй |

Мазкур корхоналар тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс 111700, тел.: 150-64-85, 6-26-70) тайинланди. Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чирчиқ ш., Темирйўлчилар кўч., 128-а уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биноси. Ушбу жамиятларнинг бурчак штампи ва думалоқ муҳри бекор қилинади.


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 326 Адади 4932. Баҳоси келишилган нархда
***Газета 2009 йил 13 ноябрда соат 19.30 да топширилди.***
*ISSN 2010-5223*